

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 10 » январь 2019 у.

№ 18

Toshkent sh.

**Билет операцияларининг ягона электрон тизimini  
яратиш ва жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ИҚ–3920-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш “Йўл харитаси” тадбирларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади), Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг маданият ва санъат муассасаларида блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда Билет операциялари ягона электрон тизimini (кейинги ўринларда БОЯЭТ деб аталади) ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

БОЯЭТда блокчейн технологиясидан ички жараёнларни оптималлаштириш ва БОЯЭТга уланадиган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган билет операциялари шаффофлигини ошириш, БОЯЭТ фойдаланувчилари томонидан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқлигини таъминлаш, шунингдек, БОЯЭТ доирасида фойдаланувчилар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган фаолият бўйича маълумотлар ҳисобга олинишининг шаффофлигини ошириш ва оптималлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа мақсадларда фойдаланилади.

маданият ва санъат соҳасида, шунингдек, билетлар эмиссияси билан боғлиқ бўлган бошқа соҳаларда, шу жумладан кинотеатрлар, театрлар, шунингдек, тадбирларга бориш учун электрон билетлар сотиш сервислари ва хизматлар кўрсатиш, ишларини бажариш бўйича фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари мазкур қарорда белгиланган тартибда БОЯЭТга уланиш ҳуқуқига эга;

Жамғарма БОЯЭТ ишлаб чиқилиши бўйича давлат буюртмачиси бўлиб, БОЯЭТ ишлаб чиқилиши, жорий қилиниши ва ишлатиш учун зарур бўлган ишлар, хизматлар, маҳсулотлар давлат хариди учун, шу жумладан қонунчиликда белгиланган тартибда БОЯЭТ ишлаб чиқувчисини, ускуналар, шунингдек, БОЯЭТ ишлашини таъминлаш, модернизация қилиш, кейинги ривожланиши учун бошқа товар ва хизматлар етказиб берувчисини таплаш, шунингдек, БОЯЭТ фойдаланувчилари – юридик ва жисмоний шахсларнинг уланиши ва уларга хизмат кўрсатилиши бўйича давлат буюртмачиси ҳисобланади.

3. Жамғарма:

2020 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда ўз маблағлари ҳисобига БОЯЭТ яратилиши ва ишга туширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2020 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда БОЯЭТ доирасида интернет-эквайрингни қўллаб хорижий валютада электрон тўлов ва электрон билетлар сотиб олишнинг замонавий механизмларини жорий этсин.

4. Қуйидагилар:

Билет операцияларининг ягона электрон тизими тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Маданият ва санъат муассасаларида билетлар сотишнинг автоматик тизимидан фойдаланмасдан билет хўжалигини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарор билан мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига ва Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С.Сайфуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил « 10 » январдаги 18-сон қарорига  
1-илова

## **Билет операцияларининг ягона электрон тизими тўғрисида НИЗОМ**

### **1 боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Билет операциялари ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда БОЯЭТ деб аталади) уланиш ва унинг ишлаш тартибини, БОЯЭТдан фойдаланиш бўйича ваколатли органининг, БОЯЭТда билет операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий атамалардан фойдаланилади:

**абонент** – билетларни автоматик равишда сотиш тизими ушбу Низом билан белгиланадиган тартибда БОЯЭТга уланган, электрон билетларни чиқариш, қайтариш ва сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

**билетларни автоматик равишда сотиш тизими** (кейинги ўринларда АСТ деб аталади) – абонентлар билет операциялари текширувини амалга ошириш учун мўлжалланган дастурий-аппаратли таъминот мажмуаси;

**электрон билетларни сотиш бўйича агент** (кейинги ўринларда агент деб аталади) – фойдаланувчиларга электрон билетларни бронлаштириш, сотиш ва қайтариш хизматларини, шунингдек, ушбу Низомда белгиланган тартибда электрон билетларни сотиш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатувчи абонент;

**билет операциялари** – электрон билетларнинг нархларини белгилаш ва ўзгартириш, билетларни сотиб олиш, сотиш, қайта сотиш, бошқа абонентлар орқали сотиш, чиқариш, қайтариш, алмаштириш, бронлаштириш, тиклаш, тақсимлаш, расмийлаштириш, бекор қилиш ва билетларнинг бошқа хатти-ҳаракатлари бўйича БОЯЭТдан фойдаланишни таъминлайдиган фойдаланувчилар ва ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар мажмуи;

**билет боти** – кейинчалик қайта сотиш мақсадларида бир ёки бир неча шахсларнинг манфаатлари йўлида электрон билетларни бир неча марта сотиб олиш учун фойдаланиладиган, маълумотлар базасини идентификацияловчи рақамли имзолар генерацияси алгоритмларидан фойдаланувчи дастурий таъминот;

**фойдаланувчини текшириш** – электрон билет сотиб олинганда АСТ қайд этиладиган фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон билетни санаида уни идентификацияловчи ноёб код таркибидаги маълумотларга мослигини тасдиқлаш жараёни;

**электрон билет чиқариш** – абонентнинг электрон билет кўринишидаги электрон тасвири фойдаланувчига юбориш ёки шундай тасвири, муҳр қурилмаси ёрдамида билетни бевосита сотишдан аввал амалга ошириладиган моддий манбада босиш бўйича хатти-ҳаракатлари;

**буюртмачи** – БОЯЭТга уланиш учун БОЯЭТ ишлаштини таъминловчи ваколатли органга буюртма юборадиган юридик шахс;

**билет операцияларининг ягона электрон тизими (БОЯЭТ)** – билет операцияларига, шунингдек шундай операциялар билан боғлиқ бўлган ёки бошқача тарзда уларга кирадиган маълумотларга ишлов беришни таъминлайдиган дастурий-аппарат мажмуаси;

**билетлар жамланмаси** – муайян тадбирлар учун томоша зали ўринлари схемасига, тик туриладиган томоша ўринларини жойлаштириш зонасига, уларга киритиш ёки уларга боғланмаган секцияларга биноан эмитентнинг фаолият турига қараб шакллантирилган, ушбу тадбир учун билет нархлари тасдиқланган электрон билетларнинг тартибга солинган мажмуи;

**тадбирлар** – эмитентлар ёки ташкилотлар томонидан ўтказиладиган спектакллар, концертлар, лекциялар, экскурсиялар, кўргазмалар, экспозициялар ва бошқа томошалар, маданий-маърифий тадбирлар;

**маданият ва санъат ташкилотлари** – театрлар, цирklar, филармониялар, концерт ташкилотлари (профессional ижодий жамоалар, мусика жамоалари ва ансамбллари ва ҳ.к), маданий-маърифий муассасалар (маданий марказлар, музейлар, бадий галереялар (кўргазмалар), кўргазма заллари, тарихий-маданий қўриқхоналар, маданият ва истироҳат боғлари, клуб муассасалари, саройлар ва маданият уйлари, маданият ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари, маданий-ахборот ва маданий-маърифий марказлар ва ҳ.к.), идоравий мансублигидан қатъи назар, барча маданий мерос объектлари ва меъморий ёдгорликлар;

**ташкилотчи** – эмитентнинг хонасида тадбир ўтказадиган юридик ёки жисмоний шахс;

**фойдаланувчи** – БОЯЭТда рўйхатдан ўтган, электрон билетларни сотиб олиш, бошқа фойдаланувчиларга қайта сотиш, қайтариш, алмаштириш, бронлаштириш ва тиклаш бўйича билет операцияларини амалга оширувчи жисмоний шахс;

**электрон билет реквизитлари** – электрон билетга, у чиқарилганда киритилиши шарт бўлган маълумотлар мажмуи (билетнинг нархи, серияси, рақами, тадбирнинг номи, унинг ўтказиладиган жойи, сапаси ва вақти, шунингдек, зарурат бўлганда, томоша қатори ва ўрнининг рақами, тик туриладиган жойларнинг жойлашган жойи), шу жумладан электрон билетни идентификацияловчи ноёб код;

**сервис йиғими** – электрон билетларнинг бирламчи сотуви ва сотилиши бўйича муваффақиятли билет операциялари қийматидан олинadиган мажбурий йиғим;

**махсус ахборот портали** – билет операциялари, абонентларни, фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш, тадбирларда қатнашиш бўйича шакллантирилган таҳлилий ва статистик ҳисоботларни акс эттириш тўғрисидаги маълумотларни очиқ-ойдин жойлаштириш учун ваколатли орган томонидан ташкил этиладиган веб-сайт;

**билет сотиш** – тадбирларни тасдиқлаш, электрон билетлар нархларининг ўзгартирилишини белгилаш, электрон билетларни қайтариш сиёсатини шакллантириш, йўқолган билетларни тиклаш ҳамда абонентлар томонидан

амалга ошириладиган, электрон билетларнинг ҳисобини юритиш ва сотуви билан боғлиқ бўлган бошқа билет операциялари бўйича билет операциялари мажмуи;

**БОЯЭТ ишлашини таъминлаш бўйича ваколатли орган** (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси;

**электрон билетни идентификацияловчи ноёб код** (кейинги ўринларда ИНК деб аталади) – электрон билетни текширишни амалга ошириш имконини берадиган, АСТ билан шакллантириладиган, ҳар бир электрон билет учун ноёб бўлган, белгиланган шаклдаги кодланган тасвир (QR-код);

**муҳр қурилмаси** – электрон тасвирни қоғозда ёки бошқа материалда босиб чиқаришни амалга ошириш имконини берадиган, АСТнинг бир қисми ҳисобланадиган аппарат таъминоти (принтер, термопринтер, билетларни сотиш автомати ва ҳ.к.);

**электрон билетнинг нархи** – эмитентнинг фаолият турига қараб билетлар нархларини белгилашда қўлланиладиган, нарх тоифалари ёки бошқа мезонлар бўйича томоша залидаги ўринларни тақсимлаш схемасига биноан, маълум давр мобайнида ўтказиладиган бир ёки бир неча тадбирлар учун, эмитент ёки ташкилотчининг ихтиёрига кўра белгиланадиган миқдорда тадбирга бориш қиймати;

**электрон билет** – тадбирга бориш ҳуқуқини тасдиқловчи, шу жумладан тартибга солинган тарзда билет реквизитлари ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлган, АСТ шакллантирган маълумотлар мажмуи;

**билетнинг электрон тасвири** – фойдаланувчининг босма қурилмасида ёки электрон қурилмасида сканерлаш орқали кўриб чиқиш ва текшириш учун яроқли бўлган форматдаги, билет реквизитларининг график тасвири ва унинг идентификацияловчи ноёб кодидан (ИНК) иборат бўлган, бундай тасвирни босмадан чиқариш учун билет чиқариладиган вақтда АСТ томонидан шакллантириладиган маълумот;

**эмитент** – электрон билетларнинг бирламчи чиқарилишини амалга оширувчи маданият ва санъат ташкилоти ёки бошқа юридик шахс тарзидаги абонент.

Буюртмачиларнинг БОЯЭТга уланиши мазкур Низомга 1-иловага биноан схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Абонентлар, фойдаланувчилар ва ваколатли органнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

3. Мазкур Низомнинг 3-бобига биноан белгиланган тартибда БОЯЭТга улангандан сўнг, эмитентлар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

электрон билетлар учун нархлар белгилаш;

тадбирнинг бошланиш санасига қараб электрон билетлар нархларини ошириш ставкасини белгилаш;

мазкур Низомда белгиланган доирада агентларни мукофотлаш миқдорини белгилаш.

4. Агентлар эмитентларга эмитентнинг электрон билетлари тўпламидан фойдаланишига рухсат бериш ҳақидаги офертани юборишга ҳақлидирлар.

5. БОЯЭТ самарали ишлашни таъминлаш учун ваколатли орган қуйидаги ҳатти-ҳаракатларни амалга оширади:

а) Мазкур Низом талабларига риоя қилинишни таъминлаш бўйича:

абонентлар ва фойдаланувчилар томонидан мазкур Низом талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

фойдаланувчилар ва абонентларга мазкур Низом талабларининг бузилганлиги тўғрисида кўрсатмалар юборади;

мазкур Низомга биноан абонентлар ва фойдаланувчиларнинг БОЯЭТга уланишини тўхтатиб туради, шунингдек, узиб қўйилишини амалга оширади;

б) БОЯЭТ ишлашни таъминлаш бўйича:

сервис йигимини ундиради;

БОЯЭТ самарали ишлаши учун зарур бўлган ҳолатда дастурий-аппарат таъминотини қўллаб-қувватлайди;

БОЯЭТ дастурий-аппарат таъминотини янгилайди;

абонентлар ва фойдаланувчиларга БОЯЭТ ишлаши масалалари бўйича техник маслаҳатлар беради;

билет ботлари, шунингдек тегишли дастурий-аппарат таъминотини сотиб олиш, ўрнатиш, абонентларни маълум тадбирларда билет ботларидан фойдаланиш ҳатарлари ҳақида хабардор қилиб туриш орқали электрон билетларнинг сотиб олиншини бартараф этиш борасида самарали чоралар кўради;

в) Ўзбекистон Республикасида тадбирлар бозорининг рақамли интеграцияланишини таъминлаш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда, БОЯЭТга мажбурий тартибда уланадиган маданият ва санъат давлат ташкилотлари рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда абонентларнинг АСТга қўйиладиган техник талабларни белгилайди;

г) билет операцияларининг шаффофлигини таъминлаш қисмида:

тегишли турдаги тадбирлар учун фойдаланувчиларни текшириш даражасини белгилайди;

маҳсуе ахборот порталида фойдаланувчилар, буюртмачилар ва абонентларга қўйиладиган талабларга киритиладиган барча ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни чоп эттиради.

### **3-боб. Абонентларнинг БОЯЭТга уланиши**

6. БОЯЭТга уланиш тартиботи қуйидаги босқичлардан иборат:

Буюртмани юбориш;

Буюртмани кўриб чиқиш;

АСТ техник экспертизасини амалга ошириш (зарурат бўлганда);  
шартнома тузиш;  
буюртмачи АСТни БОЯЭТга улаш.

7. БОЯЭТга уланиш учун буюртмачилар ваколатли органга мазкур Низомнинг 2-иловасига биноан шакл бўйича уланиш учун буюртма юборадилар, БОЯЭТга мазкур Низомнинг 10-банди “в” кичик бандига биноан мажбурий тартибда уланадиган маданият ва санъат ташкилотларидан ташқари.

8. Буюртма олинган санадан бошлаб 10 иш куни ичида ваколатли орган уни мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган талабларга мослигини кўриб чиқади. Буюртма белгиланган талабларга мос келмаган тақдирда, ваколатли орган буюртмачига номувофиқликларни бартараф этиш ва такрорий буюртма киритиш бўйича тавсиялар беради. Зарурат бўлганда, буюртмани кўриб чиқиш босқичида ваколатли орган буюртмачининг юридик манзили бўйича жойига бориб, унинг АСТ техник экспертизасини амалга оширишга ҳақлидир. Шунингдек, Ваколатли орган томонидан буюртмани кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинганда АСТ техник экспертизаси натижаларидан фойдаланишга ҳақлидир.

9. Буюртма талабларга мос келмаган тақдирда, ваколатли орган буюртмачига БОЯЭТга уланиш учун шартнома тузиш ҳақида таклиф юборади.

БОЯЭТга уланиш учун шартнома шакли, унинг шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларига биноан Ваколатли орган томонидан белгиланади.

Шартномада кўрсатилган муддатда, бироқ у тузилган санадан бошлаб 20 иш кунидан кечиктирмасдан ваколатли орган буюртмачи АСТнинг БОЯЭТга ҳақиқий уланишини амалга оширади.

Абонент АСТга қўйиладиган техник талаблар ваколатли орган томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникациялари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

#### **4-боб. Сервис йиғими**

10. Ваколатли орган абонентлардан электрон билетлар сотуви ва сотилиши бўйича муваффақиятли операциялар қийматидан 6 фоиз миқдорида сервис йиғимини ундиради. Сервис йиғими бирламчи сотуви ва сотилиши бўйича барча билет операцияларидан автоматик тарзда ундирилади ва тегишли билет операцияси амалга оширилган вақтда ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Электрон билетларнинг сотуви ва сотилиши бўйича муваффақиятли операциялар қийматидан қолган қиймат суммаси тегишли абонентнинг ҳисобига ўтказилади.

11. Билетлар сотувидан олинadиган валюта маблағлари улар абонентлар ўртасида тақсимлангунга қадар қонунчиликда белгиланган тартибда хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг электрон билет сотилган санадаги курси бўйича миллий валютага алмаштирилади.

12. Сервис йиғимидан олинган маблағлар, БОЯЭТ таъминлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ўрни қоплангандан сўнг ваколатли орган вазифаларининг бажарилиши бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

### **5-боб. Фойдаланувчиларни текшириш даражалари**

13. Тадбирларга қатнашишнинг тахминий даражаси ва аҳамиятига қараб ваколатли орган фойдаланувчиларни текширишнинг қуйидаги даражаларидан бирини белгилайди:

базавий – электрон почта ёрдамида текшириш (фойдаланувчининг кўрсатилган манзилига тўловни ва электрон билет олиш учун иловани тасдиқлайдиган хат юборилади);

ўртача – телефон рақами ёрдамида текшириш (фойдаланувчи электрон билет сотиб олиш учун абонентнинг веб-сайтидаги махсус устунга киритиши лозим бўлган СМС-кодни олади);

юқори – Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан (ЖШШИР) фойдаланиш ёрдамида текшириш. Ваколатли орган томонидан юқори даражали текширув белгиланган тадбирга электрон билет сотиб олинганда, телефон рақамидан ташқари фойдаланувчи шахсий ЖШШИРни кўрсатиши лозим.

Юқори даражали текширув белгиланган тадбирга бориш учун билетлар текширилганда, фойдаланувчи Ягона идентификациялаш коди (FaceID технологияси) ёрдамида, томоша залига, концерт майдонига ёки абонентнинг бошқа хоналарига кирганда, бевосита тадбир бошланишидан аввал ўз шахсини тасдиқлаши керак.

### **6-боб. АСТдан фойдаланган ҳолда эмитентлар томонидан билет сотувини юритиш**

14. АСТдан фойдаланган ҳолда билет сотувини амалга ошириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

абонент томонидан тадбирнинг ўтказилиш фактини тасдиқлаш;

тадбир учун билетлар тўпламини шакллантириш;

билетларни сотиш;

тадбирларга бориш назоратини амалга ошириш;

билетларнинг сотилиши ҳақида ҳисобот тузиш.

15. Эмитент АСТга тегишли ёзувларни киритиш йўли билан тадбирнинг ўтказилишини тасдиқлайди ва унда албатта қуйидагилар кўрсатилади:

тадбирнинг номи;

тадбир ўтказиладиган давр;

томоша жойининг, киритиладиган зонанинг, тик туриладиган томоша жойларининг жойлашув зонаси туркуми ва бошқа омиллар ва билет нархини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи қўшимча хизматларга қараб режа тузиб



олган ҳолда, сотувнинг тахминий бошланиш санасида тадбир билетларининг нархлари;

тадбирдаги томоша жойларининг сони (агар қўллашга яроқли бўлса);

эгалланадиган жойларнинг лойиҳалаштирилган сони;

билетлар сотиб олиш учун залдаги томошабинлар жойларининг схемалари, тик туриладиган томоша жойларининг жойлашуви, киритиладиган зоналар (агар қўллашга яроқли бўлса).

16. Эмитент томонидан тадбир тасдиқлангандан сўнг АСТ автоматик тарзда ёзувларда кўрсатилган параметрларга биноан электрон билетлар тўпламини шакллантиради ҳамда агентлар ва ваколатли органга эмитент томонидан оферта олиш учун тадбирнинг тасдиқланганлиги ҳақида хабарнома юборилади.

Ваколатли орган 48 соат давомида тадбир учун мос келадиган фойдаланувчиларни текшириш даражасини белгилайди.

Тадбирни тасдиқлаш ҳақидаги ҳар қандай ёзувларни фақат ваколатли орган билан келишилган ҳолда киритишга рухсат берилади.

17. Абонентлар билетлар сотувини абонентнинг кассаси, унинг веб-сайти, автоном босма қурилмалари (билет автоматлари) орқали, шунингдек, сотувлар бўйича агентларга электрон билет тўпламидан фойдаланишга рухсат берувчи электрон билетларни тақдим қилиш йўли билан амалга оширадilar. Бунда эмитентнинг кассаси орқали билетлар сотилганда АСТга уланган босма қурилмадан фойдаланилади.

18. Электрон билетлар чиқарадиган абонентлар, АСТдан фойдаланиб сотиладиган барча билетларда ИНК мавжудлигини таъминлайдилар. Электрон билет қайтариб берилган ва кейинчалик бундай билет сотиш учун такроран жойлаштирилган тақдирда, билетга аввалгисидан фарқ қиладиган янги ИНК берилади.

Маданият ташкилоти томонидан билетлар қийматини ўзгартириш зарурати юзага келган тақдирда, тегишли буйруқ берилиб, унинг асосида сотилмай қолган билетларнинг ҳисоби юритилади ва бу ҳақда тегишли далолатнома тузилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган тартиботлар яқунлангандан сўнг, билет хўжалигини юритиш учун жавобгар бўлган шахс АСТ маълумотлар базасига билетнинг янги қийматини белгилаш билан боғлиқ бўлган тегишли ўзгартиришлар киритади.

19. Концерт томошалари ҳамда давлат маданият ва санъат муассасаларининг маданий-маърифий тадбирларига бориш учун электрон билетларни агентлар томонидан сотиш тартиби, шунингдек, электрон билетлар сотилгандаги агентларнинг агентлик йиғимлари миқдори агентлар ва абонентлар ўртасида тузиладиган алоҳида шартномалар билан белгиланади. Бунда билетлар агент томонидан сотилганда уларни электрон билетлар чиқарадиган абонент томонидан белгиланган нархдан ошиб кетадиган нархда сотиш тақиқланади.

20. Билет ботлари ёрдамида сотиб олинишини бартараф этиш учун мўлжалланган дастурий таъминотдан келадиган хабарнома билан тасдиқланган, электрон билетлар хариди сонининг нотўғри тарзда кескин ошиб кетишини намоён қилувчи статистик маълумотлар билан асосланган ваколатли органнинг кўрсатмасига биноан, билет ботларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган

барча билет операциялари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Билет операцияси ҳақиқий эмас деб тан олинганда, томонларнинг ҳар бири қонунчиликда белгиланган тартибда битим бўйича олинган барча нарсаларни бошқа томонга қайтариб бериши шарт.

21. Тадбир тугагандан сўнг, билет хўжалигини юритиш учун жавобгар бўлган шахс АСТда шаклни шакллантиради.

АСТдан фойдаланадиган маданият ташкилотлари (бюджет муассасаларидан ташқари), бухгалтерлик ҳисоби низомлари (стандартлари) ва бухгалтерлик ҳисоби масалаларини тартибга соладиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан билетлар сотувидан олинган даромадларнинг ҳисобини амалга оширади.

АСТдан фойдаланадиган бюджет муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва бюджет ташкилотларида бухгалтерлик ҳисоби масалаларини тартибга солиб турадиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига биноан билетлар сотувидан олинган даромадларнинг ҳисобини амалга оширади.

22. Томоша залига, концерт майдонига ёки бошқа хонага, шунингдек тадбир ўтказиладиган очик ҳудудга кириш жойида, маданият ва санъат ташкилоти назоратчиларга назоратни амалга ошириш тартибида билетларни тўсиқларсиз идентификацияланишини таъминлаб бериши керак.

Тадбир ўтказиладиган хонага (очик майдонга) кириш жойида билетларни назорат қилиш ва идентификациялаш АСТга уланган аппаратли таъминот ёрдамида ИПКни санап йўли билан амалга оширилади.

АСТ битта билет бўйича тадбирга кириш ҳуқуқини фақат бир марта беради.

Билетларнинг ИНК саналганлиги ҳақидаги маълумот АСТда қайд этилади ва сақланади.

ИПК саналган ва АСТда қайд этилган ёки АСТ томонидан аниқлаш имкони бўлмаган билетни кўрсатиш унинг кўрсатаётган шахсга тадбирда қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

23. АСТдан фойдаланадиган абонентлар, электрон билетлар ҳаракатини ташкил этиш ва сақлаш бўйича фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат алмашишуви тўғрисида»ги Қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

24. Тадбир репертуари бекор қилинган, кўчирилган ёки ўзгартирилган тақдирда, тадбирга келганлар (томошабинлар, тингловчилар) сотиб олинган электрон билетларни қайтариб беришга ҳақлидирлар. Тадбирга келганларга (томошабинларга, тингловчиларга) пул маблағларини қайтариб бериш, тадбирга келганлар (томошабинлар, тингловчилар) томонидан қайтариб берилиши лозим бўлган билет кўрсатилганда маданият ва санъат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Фойдаланилмаган электрон билет учун маблағларни қайтариб бериш сервис йиғими ва банк фоизларини чегириб қолган ҳолда амалга оширилади.

### **7-боб. Билетларни агентлар томонидан сотиш**

25. Электрон билетларнинг сотилишини ташкил этиш учун агентлар ушбу Низомнинг 2-бобига биноан БОЯЭТга уланишни амалга оширадilar.

26. Электрон билетлар мажмуидан фойдаланишга рухсат олиш учун агентлар эмитентларга электрон билетларни сотиш учун шартнома тузиш тўғрисидаги офертани юборадilar. Офертада, билет қийматига билет агент томонидан сотилганда билетнинг тўлиқ қийматини олиши, эмитент эса агентга электрон билетларни сотиш учун шартнома тузишдан бош тортишга ҳақли эмаслиги кўзда тутилган устама ҳақ белгилаш ҳисобига агентни мукофотлашни шакллантириш назарда тутилади. Бошқа барча ҳолларда эмитент агентга электрон билетлар мажмуини шакллантириш босқичи мобайнида асосланган воз кечишни юбориш йўли билан офертани акцептлашдан бош тортишга ҳақли.

Электрон билетларни сотиш бўйича шартномада агентга электрон билетларни сотгани учун бериладиган мукофот миқдори кўрсатилади. Мукофот миқдори электрон билетлар нарҳининг 25 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас. Бунда шартномада агентга сотиш учун бериладиган электрон билетларнинг максимал ёки минимал миқдори чегараланмаган бўлиши керак.

27. Эмитент билетлар сотиш бошланганидан сўнг, агентлар томонидан билетларни сотиш уларнинг веб-сайтлари, босма қурилмалари орқали реал вақт мобайнида амалга оширилади.

28. Эмитент билетларни сотганда агентлар фойдаланувчиларга электрон билетларни сотиш ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган қўшимча хизматлардан фойдаланишларини таклиф қилишга ҳақлидирлар.

### **8-боб. Ташкилотчилар томонидан тадбирлар ўтказиш**

29. Ташкилотчилар тадбирларни фақат маданият ва санъат ташкилотлари ҳисобланадиган абонентлар билан тадбирларни ўтказиш ҳақида тузилган битимлар асосида ўтказадilar. Бунда шундай тадбирларга билетлар чиқариш фақат мазкур Низом талабларига биноан ташкилотчи тадбирининг ўтказилишини ташкил этиш учун шартнома тузилган абонентнинг АСТ орқалигина амалга оширилади.

30. Электрон билетлар сотувчи агент ташкилотчи ҳисобланса, бундай ташкилотчи электрон билетлар мажмуини шакллантириш босқичида тадбирнинг ўтказилишини ташкил этиш учун шартнома тузилган абонентга ташкил этилаётган тадбирга билетларни электрон билетлар сотувчининг босқичи бошланган пайтдан бошлаб 48 соатгача бўлган муддатда сотиш ҳуқуқини бериш тўғрисида акцептсиз оферта юборади.

31. Тадбирни ўтказиш ҳақидаги битим шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг мажбурий талабларига мос келиши, шунингдек, қуйидаги қоидалардан иборат бўлиши керак:

тадбирни ўтказиш муддати ва санаси;

абонент тадбир ўтказганлиги учун унга бериладиган мукофот миқдори;

тадбирга электрон билетларни фақат мазкур Низом талабларига биноангина чиқариш учун ташкилотчиининг розилиги.

### **9-боб. Фойдаланувчилар маълумотларидан фойдаланиш шартлари**

32. Фойдаланувчилар маълумотларининг махфийлигини ҳимоя қилиш шахсий маълумотлар ва транзакцион операциялар ҳақидаги маълумотларни сақлаш йўли билан таъминланади.

Шахсий маълумотлар (фото ва видеоматериаллар) ваколатли органнинг маълумотлар базасида тасвирга олиш вақтидан бошлаб камида тўққиз ой сақланиши мумкин. Маълумотдан фақат фойдаланувчи шахсини текшириш учунгина фойдаланиш мумкин. Маълумотларни бошқа мақсадларда оммавий тарзда тарқатиш ва улардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Транзакциялар ҳақидаги маълумотлар (электрон билетлар, тўлов қоғозлари) билетлар бўйича ҳисоботлар тузиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини таъминлаш мақсадида, ваколатли органнинг ягона маълумотлар базасида сақланиши керак. Ваколатга эга бўлмаган шахсининг ушбу маълумотларни оммавий тарзда тарқатиши ва улардан фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

### **10-боб. Якунловчи қонда**

33. Билетларни сотиш жараёнида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Билет операциялари ягона электрон  
tizimi тўғрисидаги Низомга  
1-илова

Аризачиларни билет операциялари ягона электрон тизимига уланиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Иштирокчилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
Буюртма юбориш	Аризачи	Буюртмани ва унга иловаларни тайёрлайди	-
Буюртмани кўриб чиқиш	Ваколатли орган	Буюртмани ва унга иловаларни кўриб чиқади	10 иш куни давомида
АСТ техник экспертизаси (зарурат бўлганда)	Ваколатли орган	Абонент АСТ ва БОЯЭТ мослигини баҳолашни амалга оширади	5 иш куни давомида
АГАР ЭЪТИРОЗЛАР МАВЖУД БЎЛМАСА		Буюртмани кўриб чиқиш натижалари	.
АГАР ЭЪТИРОЗЛАР МАВЖУД БЎЛСА			
Буюртмани ва (ёки) АСТ ушбу Низом талабларига биноан мослаштириш	Аризачи	Ваколат органининг танбеҳларини бартараф этади (АСТни техник талабларга мос ҳолатга келтириш) ва ва буюртмани такроран кўриб чиқиш учун юборади)	-
БОЯЭТга уланиш бўйича шартнома тузади	Ваколатли орган	Буюртмачи билан БОЯЭТга уланиш ва уни имзолаш тўғрисида драфт шартнома тузади	5 иш куни давомида
Ҳақиқий уланиш	Ваколатли орган	Абонентнинг АСПни БОЯЭТга ҳақиқий улаш бўйича техник хусусиятга эга бўлган тадбирларни амалга оширади	20 иш куни давомида

Билет операциялари ягона электрон  
tizими тўғрисидаги Низомга  
2-илова

Билет операциялари ягона электрон тизимига уланиш учун  
**БУЮРТМА**

Фирма бланкасида

**Ўзбекистон Республикаси Маданият  
вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва  
санъатни ривожлантириш фонди**

Ушбу билан Сиздан \_\_\_\_\_  
(буюртмачининг номи)

Билет операциялари ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда БОЯЭТ деб аталади)  
уланишини амалга оширишингизни сўраймиз учун.

БОЯЭТна мос келадиган АСТ мавжудлигига кафолат берамиз. Қуйида ташкилотимиз  
техник-рухсатнома параметрлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилмоқдамиз:

Фаолият тури (музей, концерт, оммавий спорт ва ҳ.к.)	
Юридик шахснинг қўшилиш шакли	
Томошага келганларнинг максимал рухсат этилган сони)	
Уланишдан аввалги йилда қатнашувчиларнинг сони	
Томоша зали ёки тадбир ўтказиладиган бошқа жойдаги кириш ва чиқиш жойларининг сони	
Фойдаланиладиган АСТ техник параметрлари	ДТ рухсат бериш қобилияти: ИНК тури: Серверлар сони: Фойдаланилаётган бухгалтерлик ДТ тури: Фойдаланилаётган ўтказгичнинг тури:
Фойдаланилаётган электр тармоғининг параметрлари	
АСТнинг ишлашини таъминлаш учун муқобил тўйинтириш манбаининг мавжуд эканлиги	

Буюртмачи ваколатли шахсининг фамилияси, исми ва лавозими

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил « 10 » январдаги 18-сон қарорига  
2-илова

## Маданият ва санъат муассасаларида билетлар сотишнинг автоматик тизимидан фойдаланмасдан билет хўжалигини юритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

### 1 боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маданият ва санъат давлат муассасаларида билет хўжалигини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талабларини бажариш Билет операцияларининг ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда ЧОЯЭТ деб аталади) уланмаган барча маданият ва санъат давлат муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

3. Нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар ва маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи, ЧОЯЭТга уланмаган бошқа юридик шахслар ўзларининг тасарруфидаги маданият ва санъат муассасаларида билет хўжалигини юритишнинг бошқача тартибини белгилайди.

4. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**абонемент** – шахснинг муайян муддат мобайнида ёки муайян маданият ва санъат муассасаларининг бир неча тадбирларига бориш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

**билет** – шахснинг маданият ва санъат тадбирларига бир марта бориш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

**билет дафтарчаси** – босмахона усулида тикилган (брошюраланган) билетлар (абонементлар) комплекти;

**билет хўжалиги** – билетларнинг (абонементларнинг) ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган хўжалик операциялари мажмуи;

**билет (абонемент) бланкаси** – билетнинг (абонементнинг) нархи, серияси, рақами, тадбирнинг номи, у ўтказиладиган жой, сана ва вақт, шунингдек, зарурат бўлганда томоша залидаги каторлар ва ўринлар рақами ёхуд тик туриладиган томоша ўринларининг жойлашув зонаси рақами тўғрисидаги маълумотларга эга реквизитлардан иборат бўлган моддий манбада белгиланган намунадаги ҳужжат шакли;

**билетлар бланкалари буюртмачилари** билетлар (абонементлар) бланкаларини тайёрлашга буюртма берадиган, театр-томоша ва маданий-таълим тадбирларини ўтказадиган маданият ва санъат муассасаси;

**тадбирлар** тадбирлар ташкилотчилари сифатида маданият ва санъат муассасалари ва бошқа юридик шахслар томонидан ўтказиладиган спектакллар, концертлар, лекциялар, экскурсиялар, кўргазмалар, экспозициялар ва бошқа томоша ёки маданий-маърифий тадбирлар;

**билетлар (абонементлар) комплекти** - ягона серияга, шунингдек, комплект тайёрланганда унга бериладиган ягона комплект рақамига эга бўлган

томоша залидаги (тик туриладиган томоша ўринлари зоналаридаги) ўринлар сони учун тайёрланган билетлар ёки уларнинг бланкалари мажмуи;

**маданият ва санъат муассасалари** – театрлар, цирklar, филармониялар, концерт ташкилотлари (профессионал ижодий жамоалар, мусика жамоалари ва ансамбллари ва ҳ.к.), маданий-маърифий муассасалар (маданий марказлар, музейлар, бадий галереялар (кўрғазмалар), кўрғазма заллари, тарихий-маданий қўриқхоналар, маданият ва истироҳат боғлари, клуб муассасалари, саройлар ва маданият уйлари, маданият ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари, маданий-ахборот ва маданий-маърифий марказлар ва ҳ.к.), идоравий мансублигидан қатъи назар, маданий мерос объектлари ва меъморий ёдгорликлар;

**билет (абонемент) сотиш** предмети билетни (абонементни) маданият ва санъат муассасаси ёки билетларни тарқатувчи томонидан билетлар (абонементлар) харидорига нақд (ёки) нақдсиз пул маблағларини олган ҳолда бериш ҳисобланадиган олди-сотди битими;

**билет реквизитлари** – билет чиқарилганда ва сотилганда унга мажбурий равишда киритиладиган маълумотлар мажмуи (билетнинг нархи, серияси, рақами, тадбирнинг номи, унинг ўтказиладиган жойи, санаси ва вақти, шунингдек, зарурат бўлганда қатор ва томоша залининг (тик туриладиган жойлар жойлашув зонасининг) рақами);

**билетларни тарқатувчи** – тузилган шартнома асосида билетларни тарқатиш билан шуғулланиладиган маданият ва санъат муассасасининг ходими, юридик шахс ёки ҳууссий тадбиркор;

**билет (абонементнинг) нархи** – тадбир ташкилотчиси ҳисобланадиган ва ташкилот буйруғи билан тасдиқланадиган, маданият муассасасининг ихтиёрига кўра маълум вақт даври мобайнида билетларда (абонементларда) босмахоша усулида ёки маҳсуе штамп билан кўрсатилган нарх тоифалари бўйича томоша залидаги ўринларни тақсимлаш схемасига биноан бир ёки бир неча тадбир учун белгиланадиган миқдордаги тадбирда (бир неча тадбирда) қатнашиш қиймати;

**билетлар (абонементлар) бланкаларининг сотиб олинадиган нархи** – маданият ва санъат муассасалари томонидан билет (абонемент)лар бланкаларининг банк етказиб берувчилари билан тузилган шартномада белгиланган қиймати.

5. Маданият ва санъат муассасаларининг билет (абонемент)лар бланкалари ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга биноан БХ-1 ва БХ-2 шакллари (кейинги ўринларда тегишли равишда БХ-1 ва БХ-2 шакли деб аталади) бўйича босиб чиқарилади.

Оммавий тадбирларга бориш учун билетларнинг орқа томонида, тадбир ўтказиладиган хонага (очик майдонга) олиб ўтилиши тақиқланган парсалар ва буюмларнинг рўйхати ва тадбирлар ўтказиладиган жойларда металл буюмнинг детектор назоратидан ўтказилиши ҳақидаги хабарнома кўрсатилиши керак.

6. Босма усулдаги билет (абонемент) қорешогида, шунингдек, олд томонида серия ва рақамини белгиланган барча билетлар (абонементлар) учун мажбурий талаб ҳисобланади.



Билет (абонемент) серияси иккита катта ҳарфлар билан белгиланади. Моддий манбаларда билетларнинг (абонементларнинг) серияси ва рақами буюртмачи томонидан буюртмага топширилганда белгиланади. Билетларнинг (абонементларнинг) рақамлари олти хонали рақамлар билан белгиланади.

Билет (абонемент) нархи график усулда ёки махсус штамп билан унинг корешогида ва олд томонига киритиш учун ярокли бўлган ўлчамдаги шрифтда кўрсатилади. Билет (абонемент) нархини тозалаш ва қайтадан штамповкалаш тақиқланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги маданият ва санъат муассасаларини билетлар ва абонементлар билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган, шунингдек, ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари даромадларидан олинадиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

## **2 боб. Билетлар (абонементлар) бланкаларини тайёрлаш**

8. Билетлар (абонементлар) бланкалари босмахоналарда БХ-1 ва БХ-2 шакллари бўйича муассасаларнинг буюртмалари бўйича тайёрланади.

9. Билетлар (абонементлар) бланкалари бир ёки бир неча реквизитларни – билетлар (абонементлар) сотилганда уларда мажбурий равшда мавжуд бўлиши шарт бўлган, яъни нархи, тадбирнинг номи ва ўтказиладиган санаси каби ўзгарувчан маълумотларни кўрсатмаган ҳолда тайёрланиши мумкин. Билет (абонемент) бланки корешок, марказий қисм ва назорат купонидан иборат бўлади.

10. Билетлар (абонементлар) бланкалари комплект тарзида ҳам (томоша залидаги мавжуд жойларнинг сонига мувофиқ), билет дафтарчаси тарзида ҳам тайёрланиши мумкин.

Билетлар (абонементлар) бланкалари комплекtlари тайёрланганда, уларнинг муқова жилдларига ва ҳар бир билетга билетлар комплектининг рақами кўйилади.

Билетлар (абонементлар) бланкалари ушбу тираждаги сериялар учун белгиланган пархлар бўйича билет дафтарчаси тарзида тайёрланганда, ҳар бир билетнинг корешогига ва марказий қисмига билетнинг серия рақами ва унинг нархи кўйилади.

11. Гастроль тадбирлари ташкилотчилари бланкалари, тадбир ўтказиладиган маданият муассасасининг буюртмасига биноан ёки БХ-1 ва БХ-2 шакллари бўйича гастроль тадбирлари ташкилотчиларининг буюртмаси бўйича тайёрланадиган билетлардан (абонементлардан) фойдаланадилар.

Бунда комплект муқовасига ва ҳар бир алоҳида билетдаги моддий манбага ушбу комплектга берилган рақам кўйилади.

12. Билетларнинг бадий безаги, улардаги зарур маълумотларнинг тавсифи ва мазмунини белгилаш, шунингдек, уларни техник жиҳатдан ўзгартириш маданият ва санъат муассасалари ёки тадбирларни таъкил қилаётган (ўтказётган) бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

### **3-боб. Билетлар (абонементлар) бланкаларининг буюртмачи томонидан қабул қилиниши**

13. Босмахоналарда тайёрланган билетлар (абонементлар) бланкаларини қабул қилиш буюртмачи ёки тузилган шартнома доирасида берилган ҳисоб-фактурага биноан белгиланган тартибда берилган ишончнома бўйича ҳаракат қиладиган буюртмачининг ваколатли вакили томонидан амалга оширилади.

14. Билетлар (абонементлар) бланкалари қабул қилинганда ўрамнинг бутлиги, ўринлар сопи ва илова (транспорт) ҳужжатларида кўрсатилган юк оғирлигининг мослиги текширилади. Пакет шикастланган ёки камомадга эга бўлса, илова (пакет) текширувдан ўтказилади. Билетлар (абонементлар) бланкалари етишмай қолган тақдирда, етказиб беришни амалга оширувчи ташкилот вакилининг иштирокида икки нусхада эркин шаклдаги камомадларнинг аниқланганлиги ҳақида далолатнома тузилиб, уларнинг бир нусхаси билетлар (абонементлар) бланкалари керакли миқдорда келиб тушмаганлиги сабабларини аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш учун босмахонага берилади.

15. Билетлар (абонементлар) бланкалари билетлар комплектлари ва билет дафтарчалари тарзида қабул қилинганда, барча билетлар комплектлари ва билет дафтарчаларининг тўлиқ текшируви, шунингдек, комплектлардаги билетлар бланкалари сонининг танланма текшируви амалга оширилади. Тасдиқланган ўрамли пакетлардаги текширувлар билет бланкаларини тўлиқ қайта санаш йўли билан амалга оширилади ва икки нусхада эркин шаклдаги далолатнома тузилиб, унда ўтказилган текширувлар натижалари кўрсатилади ва унинг бир нусхаси босмахонага берилади.

16. Билетлар (абонементлар) бланкаларини тайёрлайдиган босмахонага даъволар мавжуд бўлса, буюртмачи рекламацияга билетлар (абонементлар) бланкалари ишлаб чиқарувчисига даъволар далолатномасини, босма ёрликни, ўрам ўровчининг рақами ва фамилияси кўрсатилган талонни, зарурат туғилганда эса - бракка чиқарилган билетлар (абонементлар) бланкаларини қўшиб қўяди.

Даъволар далолатномаси буюртмачи раҳбарининг буйруғи билан тузилган, таркибида ушбу Низомнинг 13-бандига биноан билетлар бланкаларини олиш топширилган шахслардан тузилган, камида уч кишидан иборат бўлган комиссия томонидан тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси босмахонага берилади, иккинчиси эса буюртмачида сақланади.

17. Билетлар (абонементлар) бланкаларининг ҳисобини юритиш уларнинг сақланиши учун жавоблар бўлган шахс томонидан амалга тоширилади.

18. Билетлар (абонементлар) бланкаларини кирим қилиш ҳақидаги ҳужжатлар кейинги кундан кечиктирмасдан бухгалтерия хизматига ёки бухгалтерия хизмати мажбуриятларини бажариш юкланган бошқа шахсга (кейинги ўринларда бухгалтерия хизмати деб аталади) берилади.

#### **4-боб. Билетларни (абонементларни) сотишга тайёрлаш ва уларни сотиш тартиби**

19. Билетларни маданият ва санъат муассасаларида сотиш ушбу Низомга 3-иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

20. Билетлар (абонементлар) бланкаларини уларнинг сақланиши учун жавобгар бўлган шахслардан сотишга тайёрлаш учун олиш билетлар (абонементлар) бланкаларини сотиш учун жавобгар бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.

Билетлар (абонементлар) бланкаларини бериш маданият муассасаси раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган билетлар (абонементлар) бланкаларини бериш учун топшириқ - талабнома асосида амалга оширилади.

Билетлар (абонементлар) бланкаларини бериш учун талабнома-топшириқда қуйидагилар албатта кўрсатилади:

билетлар (абонементлар) бланкалари бериладиган давр (йил, сана, ой) ёки аниқ тадбир;

билетлар (абонементлар) бланкалари комплектининг сони ва уларнинг рақамлари сон ва сўз билан ёзилади, билетлар (абонементлар) китобчаларининг сони ва уларнинг рақамлари сон ва сўз билан ёзилади (билетлар (абонементлар) бланкалари комплектлар ёки билет китобчаси ҳолида берилганда);

билетлар (абонементлар) сони ва уларнинг рақамлари сон ва сўз билан ёзилади;

олинадиган билетлар (абонементлар) бланкаларининг умумий сотиб олинадиган номинал нархи.

Топшириқ-талабнома уч нусхада тузилади, ва уларнинг бир нусхаси бухгалтерия хизматига берилади, иккинчиси - билетлар (абонементлар) бланкаларининг сақланиши учун жавобгар бўлган шахсда, учинчи нусхаси эса – билегни Топшириқ-талабномага биноан олган шахсда қолади. Топшириқ-талабномага ҳар қандай тузатишлар киритиш қатъиян тақиқланади.

21. Маълум тадбирга босма усулда белгиланган билетлар (абонементлар) сотишга тайёрланганда, бундай билетларнинг (абонементларнинг) марказий қисмида босма усулда белгиланган нарх, қатор ва ўриннинг рақамлари, уларнинг корешокларида махсус штамп билан тадбир ўтказиладиган сана ва вақт қўйилади.

Билетларнинг (абонементларнинг) сотилиши учун жавобгар бўлган шахс томонидан билетларга (абонементларга) босма усулда нархини кўрсатмасдан сотувга тайёрлаганда, билетларнинг (абонементларнинг) марказий қисмида ва корешогида махсус штамп билан тегишли тадбир учун нарх қўйилади.

Билетларни ва билет дафтарчаларини уларга босма усулда рақами, қатори ва ўрнини белгиламаган ҳолда билетлар тарқатувчисига стационар сахна майдончаларида сотиш учун берилганда, ўринларнинг тақсимланишига мувофиқ пархларни қайд этган ҳолда томоша зали ўринларининг схемаси берилади. Билетларнинг сотилиши учун жавобгар бўлган шахс билетларни бир неча тарқатувчига сотганда, билетларни томоша залидаги ўринларнинг сони белгиланган схемага мувофиқ ҳамда ҳар бир билет тарқатувчи томонидан сотилиши лозим бўлган миқдордаги билетлар сонига биноан тақсимлайди.

Билетларда нархлар кўрсатилган билет таркатувчилар ўртасида билетларни таксимловчини кўрсатган ҳолда томоша залининг ўринлари схемаси нусхаси бухгалтерия хизматига берилади.

22. Билетлар гастроль тадбирларга сотишга тайёрлаш ушбу Низомга биноан гастроль тадбирлар ташкилотчиси томонидан амалга оширилади.

23. Сотиш учун тайёрланадиган билетлар (абонементлар) ҳақидаги маълумотлар маданият ва санъат муассасасининг бухгалтерия хизмати томонидан билетлар (абонементлар) бланклари ва билетлар (абонементлар) бланклари бериш учун топширик-талабнома асосида тузилган билетлар дафтарчалари комплектларини рўйхатдан ўтказиш китобига киритилади.

Бухгалтерия хизмати ходими билетларни (абонементларни) рўйхатдан ўтказиш китобига билетлар (абонементлар) бланкалари комплектлари ва билетлар дафтарчалари комплектлари ҳақидаги маълумотларни киритади, ҳар бир билетлар (абонементлар) бланкалари комплектлари ва билетлар дафтарчалари комплексларининг титул варағига билетлар (абонементлар)нинг рўйхатдан ўтган рақами, санаси ҳамда китобга киритилган маълумотларга биноан номинали бўйича умумий қийматини ва ўз имзосини қўяди.

24. Рўйхатдан ўтказилган билетлар (абонементлар) сотиш учун билетларга (абонементларга) бериладиган юкхати бўйича билетлар таркатувчиларига сотиш учун берилади.

Юкхати уч нусхада ёзилади: биринчи нусхаси билетлар (абонементлар) билан бирга юкхатида олувчи сифатида кўрсатилган шахсга берилади, иккинчиси – маданият ва санъат муассасасининг бухгалтерия хизматига берилади, учинчиси эса – билетларнинг (абонементларнинг) сотилиши учун жавобгар бўлган шахсга қолади.

25. Билет дафтарчаларини тикиш ва уларнинг саҳифаларини йиртиш қатъиян тақиқланади. Билет дафтарчаларининг шикастланганлиги аниқланган тақдирда, бундай шикастланишларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида далолатнома тузилади. Шикастланган билет дафтарчалари махсус штамп билан бекор қилинади ва йўқ қилингунга қадар сақланади.

Билет дафтарчаларида билетлар олиб қўйилганда, билетларнинг корешоги билетдафтарчаларида қолдирилади ва тикиб қўйилади.

26. Билетларни (абонементларни) меҳнат шартномаси асосида тайёрлашга жалб қилинган билет таркатувчиларга бериш, фақат улар билан амалдаги қопунчиликка биноан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилган тақдирдагина амалга оширилади.

27. Билетларни (абонементларни) юридик шахсларга кассирлар ёки билетлар таркатувчилари орқали ишончнома ва юкхатлари асосида амалга оширилади.

28. Етиб келиш вақти тадбирларнинг давомийлиги билан чегараланган бундай тадбирларга (концертлар, кўرғазмалар, чиқишлар ва бошқалар) сотилмаган билетлар, билетлар таркатувчиларига, билетларнинг сотилиши учун жавобгар бўлган шахсларга маданият ва санъат муассасаси раҳбари томонидан белгиланган муддатда, бироқ маданият ва санъат муассасасининг билетлар

кассаси орқали сотиш учун тегишли тадбир бошланишидан 2 соат олдин қайтариб берилади. Сотилмаган билетлар билан бирга яна билетларни юридик шахсларга сотилганда олинган ишончномалар ҳам топширилади, ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда амалга оширилган ҳолатларда, шунингдек, билетлар сотилган ўринлар кўрсатилган билетларни сотиш учун берилган томоша зали ўринларининг схемаси ҳам топширилади.

Ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган билетларни (абонементларни) қайтариш, фойдаланилмаган билетларни (абонементларни) қайтариб бериш учун уч нусхада юкхати расмийлаштирилади: уларнинг бир нусхаси қайтариб берилмаган билетлар (абонементлар) билан бирга билетларнинг (абонементларнинг) сотилиши учун жавобгар бўлган шахсга берилади, иккинчиси эса – маданият ва санъат муассасасининг бухгалтерия хизматига берилади, учинчиси эса – сотилмаган билетларни (абонементларни) қайтариб берган шахсда қолади.

Қатнашиш вақти чегараланган маданият ва санъат муассасаларида сотилмаган билетларнинг қолдиғи қайтарилмайди.

29. Сотилмай қолган абонементлар уларнинг сотилиши учун жавобгар бўлган шахс томонидан, маданият ва санъат муассасаси раҳбари белгилаган муддатда, бироқ биринчи тадбир ўтказилгунга қадар етти кундан кечиктирмасдан қайтариб берилади. Қайтариб берилган абонементлар асосида, уларнинг сотилиши учун жавобгар бўлган шахс абонементлар бўйича сотилган ва сотилмай қолган ўринларнинг тавсифини тузади, раҳбарнинг талабига кўра билет дафтарчаси ёзиб беради, абонементлар бўйича сотилганларига мос келадиган ўринларни бекор қилади, махсус штамп билан абонементлар бўйича сотилган ўринлар учун билетларни сотишга тайёрлайди, уларни юкхати бўйича сотиш учун билетлар тарқатувчиларга беради.

30. Меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган билет тарқатувчилар, билетлар (абонементлар) сотувидан олинган пул маблағларини ҳар куни маданият ва санъат муассасасининг кассасига топширади ёки унинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Билетларни сотиш тўғрисида шартнома тузилган хўжалик юритувчи субъектлар, билетлар (абонементлар) сотувидан олинган пул маблағларини шартномада келишилган муддатларда маданият ва санъат муассасасининг кассасига топширади ёки унинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Билетлар (абонементлар) сотилганлиги ҳақидаги йиғма ҳисобот, стационар сахна майдонида ўтказилган тадбир ўтказилган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан текшириш ва ишлов бериш учун маданият ва санъат муассасасининг бухгалтерия хизматига топширади. Ушбу ҳисоботга махсус штамп билан бекор қилинади, барча сотилмаган билетлар илова қилинади. Билетлар билетлар кассири томонидан йиғма ҳисобот тузилган пайтида бекор қилинади.

Қатнашиш вақти чегараланган маданият ва санъат муассасаларида, касса ҳисоботлари, билетлар (абонементлар) сотувидан олинган тушум билан биргаликда билетларнинг сотилиши учун жавобгар бўлган шахсга топширилади.

Билетларни (абонементларни) бир неча билет кассирлари орқали сотадиган маданият ва санъат муассасаларида алоҳида билет кассирларининг ҳисоботлари

билетлар бўйича катта кассирга топширади, у эса, ўз навбатида, билетларнинг (абонементларнинг) сотилганлиги ҳақида йиғма ҳисобот тузади ва уни билет кассирларининг ҳисоботлари билан бирга маданият ва санъат муассасасининг бухгалтерия хизматига топширади. Маданият ва санъат муассасаси бухгалтерия хизматининг ходими билет кассирлари ва сотилмаган билетлар (абонементлар) ҳисоботлари билан биргаликда топшириладиган тегишли ҳужжатлар реестрига ўз имзосини қўяди. Билет кассирларининг ҳисоботлари олишган нақд маблағларни кирим қилиш учун асос ҳисобланади.

31. Ўтказилган гастроль тадбирининг билетлари (абонементлари) сотилганлиги ҳақидаги йиғма ҳисобот, гастроль сафаридан қайтиб келган кундан кейинги купдан кечиктирмасдан берилади.

#### **5-боб. Билетлар (абонементлар)ни ва уларнинг бланкаларини сақлаш тартиби**

32. Билетлар (абонементлар)ни ва уларнинг бланкаларини сақлаш бошқа моддий бойликлардан алоҳида, махсус хонада, сейфда ёки металл шкафта (бекиладиган яшчикда) маданият ва санъат муассасаси томонидан қулфланган ва пломбалашган ҳолда сақланади.

33. Билетлар (абонементлар) ва уларнинг бланкалари сақланадиган махсус хоналар, сейфлар, металл шкафлар (бекиладиган яшчиклар) иш куни тугагандан кейин, сотишга тайёрланган товар-моддий бойликлар учун пазарда тугилган тартибда муҳрланади ва қўриқланади.

34. Маданият ва санъат муассасаларининг раҳбарлари билетлар (абонементлар)ни ва уларнинг бланкаларини сақлаш тартибига риоя этилишини, шунингдек, билет хўжалигини юритиш учун масъул бўлган ишлайдиган шахсларнинг назоратини таъминлайдилар.

35. Билетлар (абонементлар)ни сақлаш ва (ёки) сотиш учун масъул бўлган шахслар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади.

#### **6-боб. Сотилмаган билетларни (абонементларни) йўқ қилиш**

36. Билет (абонемент)нинг серияси, рақами, қаторнинг, ўриннинг рақами ва нархи босма усулда кўрсатилган, шунингдек, олдиндан уларда тадбирларни ўтказиш сапаси ва унинг сотилмаган, фойдаланилмаган, нархи тўланмаган махсус билетлар (абонементлар) штампларининг номини кўрсатиш бошланғич ҳужжатларни сақлаш учун муддат тугагач ёки давлат ваколатли органи томонидан текширишлар ўтказилгандан кейин ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва доирада амалга оширилади.

37. Сотилмаган, фойдаланилмаган ва тўланмаган билетлар (абонементлар)ни йўқ қилиш махсус тайинланган комиссия томонидан амалга оширилади, комиссия таркибига мажбурий тартибда маданият ва санъат муассасасининг раҳбари ёки унинг ўринбосари, бош бухгалтери ва билетларни сақлаш ва (ёки) сотиш учун масъул шахс киритилади.

38. Сотилмаган билетларни (абонементларни) йўқ қилиш тўғрисидаги далолатнома икки нусхада тузилади ва махсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси маданият ва санъат муассасасининг бухгалтерия хизматида, иккинчи нусхаси эса – билетларни сақлаш ва (ёки) сотиш учун масъул бўлган шахсда сақланади. Махсус комиссия томонидан тузилган далолатномалар мансабдор шахс (органнинг раҳбари), қонунчилик талабларига мувофиқ, мулкни тасарруф этиш бўйича қарорларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлангандан (келишилгандан) кейин бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

39. Тадбирларнинг сотилмаган билетлари (абонементлари)ни тадбирлар тугагунгача (репертуар бўйича охириги тадбирни ўтказиш тугагунгача) йўқ қилиш тақиқланади.

40. Фойдаланилган билетлар дафтарчаларининг ва билетлар (абонементлар) комплектларининг қорепноклари макулатура сифатида утилизация қилинади ёки уларни утилизация қилиш ёки йўқ қилиш тўғрисида далолатномалар тузмасдан йўқ қилинади.

#### **7-боб. Билетлар (абонементлар) ва уларнинг бланкаларининг бухгалтерия ҳисоби. Ҳисоботлар ва инвентаризация**

41. Маданият ва санъат муассасалари (бюджет муассасаларидан ташқари) билетлар (абонементлар), билетлар (абонементлар) бланкаларининг ва билетлар (абонементлар) сотилишидан олинган даромадларнинг бухгалтерия ҳисобини бухгалтерия ҳисоби низомлари (стандартлари) ва бошқа бухгалтерия ҳисоби масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширади.

42. Маданият ва санъат бюджет муассасалари билетлар (абонементлар), билетлар (абонементлар) бланкаларининг ва билетлар (абонементлар) сотилишидан олинган даромадларнинг бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига ва бошқа бухгалтерия ҳисоби масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

43. Билетлар (абонементлар) ва уларнинг бланкалари инвентаризацияси қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилади.

44. Билетлар (абонементлар) инвентаризацияси маданият ва санъат муассасаларининг омборхонасида йилига бир мартадан кам бўлмаган муддатда, моддий масъул шахсларда (билет кассирлари ва бошқаларда) сақланаётган билетлар (абонементлар) инвентаризацияси эса – ҳар ойда бир марта ўтказилади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома бўйича мажбурият юкланган шахс ўзгарганда, инвентаризация моддий жавобгар сифатида тайинланаётган шахсга ишларни топшириш-қабул қилиш куни амалга оширилади.

Билет тарқатувчилар тақдим этадиган ҳисобот маълумотлари ҳақиқийлиги режадан ташқари инвентаризациялар ўтказиш воситасида таъминланади.

45. Билетлар (абонементлар) ва уларнинг бланкалари инвентаризацияси моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилади ва тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

Ортиб қолган билетлар (абонементлар) бўйича ҳисобга киритиш тартиботи ўтказилади, бунда ортиб қолишларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади. Билетлар (абонементлар) камомади аниқланган ҳолатларда, келтирилган зарар камомад вужудга келишида айбдор шахслар ҳисобидан қопланади. Бундай шахсларнинг айбли хатти-ҳаракати/ҳаракатсизлиги натижасида етказилган зарар миқдори Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўрнатилган тартибда белгиланади.

### **8-боб. Назоратни амалга ошириш**

46. Маданият ва санъат муассасаси раҳбари, гастролларда эса – гастроль тадбирлари ташкилотчиси ушбу тадбир учун ҳақиқий ҳисобланган билетларга (абонементларга) эга бўлган қатнашчиларни (томошабинлар, тингловчиларни) тегишли тартибда киритиш тартибига, шунингдек, билетлар (абонементлар)ни сотиш бўйича тегишли тартибга риоя қилиниши юзасидан назоратни таъминлайди.

47. Маданият ва санъат муассасасининг раҳбари, даврий равишда залдаги қатнашчилар (томошабинлар, тингловчилар) сонининг ушбу тадбирга сотилган билетлар (абонементлар) сонига мувофиқлигини текшириб турилишини ташкил этади.

Бундай текширув натижалари маданият ва санъат муассасасининг эркин шаклдаги далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Тадбирга келганлар (томошабинлар, тингловчиларга) томонидан билетлар кўрсатилганда назоратчи ундан фақат назорат купонини йиртиб олади, бунда билет тадбирга келган шахсда (томошабинда, тингловчида) қолади.

48. Тадбирга келганлар (томошабинлар, тингловчилар) томонидан кўрсатилган билет тадбир ўтказилаётган залда маданият ва санъат муассасаси учун белгиланган билетлар (абонементлар) намуналарга мос келмаганлиги аниқланган тақдирда, муассасанинг раҳбари бундай билетларнинг пайдо бўлиш сабабларини тезкорлик билан аниқлаш чораларини кўради ҳамда белгиланган намуналарга мос келмайдиган билетлар аниқланганлиги ҳақида эркин шаклда далолатнома тузилади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда эса – қонунчиликка мувофиқ тегишли чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилади.

### **9-боб. Билетларни қайтариб бериш**

49. Тадбир бекор қилинган, кўчирилган ёки унинг репертуари ўзгарган тақдирда, тадбирга келганлар (томошабинлар, тингловчилар) сотиб олинган билетларни қайтариб беришга ҳақлидирлар. Тадбирга келганларга (томошабинлар, тингловчиларна) пул маблағларини қайтариб бериш, қайтарилиши лозим бўлган билет кўрсатилган тақдирда, уларнинг талабларига биноан тадбирлар ташкилотчилари томонидан амалга оширилади.



Маданият ва санъат муассасаларида билетлар  
сотишнинг автоматик тизимидан  
фойдаланмасдан билет хўжалигини юритиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
1-илова

**БХ-1 шакли**

**Тадбирларга бориш учун билетлар бланкаларининг  
НАМУНАЛАРИ**

1. Стационар сахна майдонлари учун (ўрин тоифаси, шунингдек, қатор ва ўрин рақамлари кўрсатилган ҳолда).

Корешок  Ўрин тоифаси: Фронт 01-қатор 01-ўрин  Нархи 1000 сўм Серияси АҒ № 000 000	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри Тошкент ш., Миробод тумани, Зарафшон кўчаси, 28 тел. 71-233-35-28  Ўрин тоифаси: Фронт, 01-қатор, 01-ўрин Серияси АҒ № 000 000 Нархи 1000 сўм	Назорат
---	---	---------

2. Стационар сахна майдонлари ва гастроль тадбирлари учун (ўрин тоифаси, шунингдек, қатор ва ўрин рақамлари белгиланмаган ҳолда).

Корешок  Ўрин тоифаси: Қатор Ўрин Нархи 1000 сўм Серияси АҒ № 000 000	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри Тошкент ш., Миробод тумани, Зарафшон кўчаси, 28 тел. 71-233-35-28  Ўрин тоифаси: ____, Қатор ____, Ўрин ____  Серияси АҒ № 000 000 Нархи 1000 сўм	Назорат
--	--	---------

3. Тадбирга бориш вақти чегараланган маданият ва санъат ташкилотлари учун (нархи кўрсатилган ҳолда).

Корешок  Тоифа:   Нархи 1000сўм Серияси АҒ № 000 000	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темури хиёбони, 16А тел. 71-236-74-36  Тоифа: Серия АҒ № 000 000 Нархи ____ сўм	Назорат
---	---	---------

4. Тадбирга бориш вақти чегараланган маданият ва санъат ташкилотлари учун (нархи кўрсатилмаган ҳолда).

Корешок  Тоифа:   Нархи ____ сўм Серияси АҒ № 000 000	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темури хиёбони, 16А тел. 71-236-74-36  Тоифа:  Серияси АҒ № 000 000 Нархи _____ сўм	Назорат
--	--	---------

Корешокли ва назорат купонли билет бланкаси томонларининг ўлчамлари горизонтали бўйича 133 мм.дан кам бўлмаслиги ва вертикали бўйича 50 мм.дан кам бўлмаслиги керак.

Билетдан фойдаланиш қоидалари, ҳомийлар логотиплари - буюртмачи ва билетлар бланкаларини ишлаб чиқарувчи ўртасидаги келишув бўйича билетнинг орқа томонида жойлаштирилади.

Маданият ва санъат муассасаларида  
билетлар сотишнинг автоматик  
тизимидан фойдаланмасдан билет  
хўжалигини юритиш тартиби  
тўғрисидаги Низомга  
2-илова

**БХ-2 шакли**

**Бир нечта тadbирга бoриш учун абoнемент бланкасининг  
НАМУНАСИ**

Алишер Навoий номидаги Давлат академик катта театри	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ Алишер Навoий номидаги Давлат академик катта театри	1 КОНЦЕРТ
АБОНЕМЕНТ КОРЕШОГИ 34	Тошкент ш., Миробод тумани, Зарафшон кўчаси, 28 тел. 71-233-35-28	2 КОНЦЕРТ
Ўрин тоифаси: Фронт 01-қатор 01-ўрин Нархи 1000 сўм Серияси АFN№ 000 000 20__ й. «__» дан «__» гача ҳақиқий ҳисобланади  Абонемент эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, манзили ва боғланиш учун телефони  _____	Ўрин тоифаси: Фронт 01-қатор 01-ўрин Нархи 1000 сўм	3 КОНЦЕРТ
	Ушбу абонемент йўқoлиб қoлган тақдирда қайта тикланмайди  Серияси АFN№ 000000  _____ давомида ҳақиқий ҳисобланади.	4 КОНЦЕРТ
		5 КОНЦЕРТ

Қорешокли ва назорат купонли абонемент бланкаси томонларининг ўлчамлари горизонтали бўйича 185 мм.дан кам бўлмаслиги ва вертикали бўйича 128 мм.дан кам бўлмаслиги керак.

Бунда қорешок ва кесиш талонларининг пропорциялари тегишли равишда 77 x 128 мм.дан ва 27 x 128 мм.дан кам бўлмаслиги керак.

Абонементдан фойдаланиш қоидалари, хомийлар логотиплари - буюртмачи ва билетлар бланкаларини ишлаб чиқарувчи ўртасидаги келишув бўйича билетнинг орқа томонида жойлаштирилади.

Маданият ва санъат муассасаларида билетлар  
сотишнинг автоматик тизимидан  
фойдаланмасдан билет хўжалигини юритиш  
тартиби тўғрисидаги Низомга  
3-илова

Маданият ва санъат ташкилотларида билетларни сотиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Иштирокчвлар	Тадбирлар
Билетлар (абонементлар) бланкаларини тайёрлаш	Маданият ва санъат муассасаси, босмохана ташкилоти	Билетларни (абонементларни) тайёрлаш учун шартномалар тузиш ва уларнинг ҳақиқатдан тайёрланиши
Тайёрланган билетлар (абонементлар) бланкаларини қабул қилиш	Маданият ва санъат муассасаси	Тайёрланган билетлар (абонементлар) бланкаларини уларнинг шартнома шартларига мувофиқлигини ўрганиш ва сақлаш учун қабул қилиш
Билетлар (абонементлар) бланкаларини сақлаш	Маданият ва санъат муассасаси	Билетлар бланкаларини (абонементларини) кирим қилиш, сақлаш шартларига риоя қилинишини таъминлаш
Билетлар (абонементлар) бланкаларини сотувга тайёрлаш	Маданият ва санъат муассасаси	Тадбирларнинг ўтказилишини (тадбирлар репертуарини) тасдиқлаш, талабнома-топширик юбориш, сотувга сўралаётган миқдордаги билетлар (абонементлар) бланкаларини тайёрлаш
Билетларни сотиш	Маданият ва санъат муассасаси, билетларни сотиш бўйича агентлар	Билетлар (абонементлар) бланкаларини билетлар сотувчиларига, билетларни сотиш бўйича агентларга бериш, билетларнинг ҳақиқий сотилишини амалга ошириш, сотилмаган билетларнинг ҳисобини юритиш (зарурат бўлганда)
Назорат	Маданият ва санъат муассасаси	Кўрсатиладиган билетлар назоратини амалга ошириш
Билетларни қайтариб бериш (тадбир бекор қилинган тақдирда)	Маданият ва санъат муассасаси	Тадбир бекор қилинганлиги муносабати билан қайтариб бериладиган билетларни қабул қилишни амалга ошириш, сотиб олинган билетлар учун тўланган пул маблағларини қайтариб бериш